



Дунёга келганман сўзламок учун
Калбимнинг каърида хали сўзларим.
Кошингизда таъзим киламан бу кун,
Менинг фейсбукдош азиз дўстларим!

Хар бирингиз сўзу хикмат макони,
Хар бирингиз нурли битта оламсиз.
Жаҳолат ва гафлат босган дунёни
Ўзгартмокка тайёр турган одамсиз.

Элнинг дарди билан кўксингиз тўлган
Хак сўзни сўзлайсиз эркин ва ўктам.
Бу имкон йўк эди кадимда бўлган
Хатто Капитолий майдонида ҳам.

Олам яралганди асли сўз билан
Минг йиллар сўз асл шифо бўлгандир.
Эрки йўк, сўзи йўк, тили кесилган
Махбус билан канча зиндон тўлгандир.

Сиз сўзланг майлига улар учун ҳам.
Хаёти абгору ҳам талхлар учун.
Сиз сўзланг сўз билмас куллар учун ҳам,
Кул миллатлар учун, кул халклар учун.

Гар бахтли бўлмаса яшашдан не наф,
Не учун дунёга келади инсон?!
Кай юртда, кай элда, юрсада яшаб,
Аввало инсонга бўлсин шараф шон!

Мазлум битта, золим ўнтадир доим
Бир конхўр, гох мингнинг ейди бошини
Бир тахтга ўтирса гар битта золим,
Тўкар миллионларнинг кўзин ёшини!

Хурриятнинг аскарларисиз,
Бутун олам узра эрк деб жар солган.
Миллат юрагининг гавхарларисиз,
Миллатни юракда кўтариб олган.

Сизки жонингизни хатарга қўйиб
Ўлимга тик бокиб айтган сўз учун,
Кабохат панада турибди чўчиб,
Разолат ютмаган дунёни бугун.

Кайда бўлманг ҳақ сўз сизга бўлсин ёр,
Доим бўлсин олтин бошингиз омон!
Сизни улгайтирган Ўзбекистон бор,
Суянч тогингиздир шу ота макон!

Бирингиз менга дўст, бирингиз устоз
Кон бир, жон бир калбан кариндошимсиз!
Эгик бошим, букик қаддим килиб рост
Каро кунда қуёш, киблагохимсиз

Таркалиб кетгансиз, Ер юзи бўйлаб
Хурлик машъалидан олов ёккансиз
Бутун инсоният тақдирин ўйлаб
Сардор ёки дарга бўлиб колгансиз.

Бу кун сиз маглубсиз, балки голибсиз
Зулму- зўравонлик битмас ҳеч қачон
Аммо ҳақ йўлида доим колингиз,
Ўзбекка келтиринг буюк шараф -шон!

Тинмас гавго учун ортик еманг гам
Қисмат хатин битган буюк Оллоҳ бор.
Тилагим, қўлласин музаффар ҳакам,
Қодир Парвардигор сизга бўлсин ёр!

Мухаммад ИСМОИЛ